SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI · XDP

• 2018-yil, 9-avgust. Payshanba • 77 (32.445) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мулоқотда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари юқори суръатларда ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этдилар.

Ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркияга ва жорий йил апрель ойи охири — май ойи бошида Туркия Республикаси Президентининг мамлакатимизга тарихий давлат ташрифлари икки томонлама кўп қиррали муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, аниқ амалий мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди.

Ўзаро сиёсий мулоқот фаол ривожланиб бормоқда, мамлакатларимиз халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда, ўзаро савдо ҳажми ортмоқда: жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро товар айирбошлаш қарийб ўттиз фоиздан зиёд ошди.

Туркиянинг етакчи саноат компаниялари ва банклари билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудларида, аввало, юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, энергетика, транспорт-коммуникация, логистика ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, шаҳарсозлик, банк-молия соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувлар жадал ривожланмоқда.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини, кенг кўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

**ЎзА**

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

## ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНАДИ

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар 5 йил олдин пенсияга чиқиши мумкин



3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ.

Ушбу йўналишда мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кун воқелиги тизимли муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришни талаб қилади, уларнинг ечимлари йўқлиги мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларда акс этмоқда. Бироқ, бу борада қўлланилаётган норма ижодкорлиги ёндашуви қонун ҳужжатларининг мамлакат иқтисодиёти тармоқларига таъсирини баҳолаш заруриятини ҳисобга олмаяпти ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга доир вазифаларга эришишни таъминламаяпти.

Шу билан бирга, умумий тусга эга бўлган қонунлар кўплиги, шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян механизмисиз айрим қарорларнинг қабул қилиниши, умуман давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, ижтимоий муносабатларни асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солишга олиб келмоқда.

Тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Амалий чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;

норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш;

норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

давлат органлари томонидан қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фақатгина ушбу органларнинг кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилади;

қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар кучга кирган пайтдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилади;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга, қоида тариқасида, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун лойиҳасини кенг кўламда тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган қонун лойиҳасини амалга оширишга доир тадбирлар режасини илова қилади. Бунда, тадбирлар режаси қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқуллаш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан унинг ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаган ҳолда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида улар қабул қилинганидан кейин алоҳида тадбирлар ва назорат режаларини, шунингдек, «йўл хариталари»ни қўшимча тарзда тасдиқламаган ҳолда аниқ топшириқлар ва уларни амалга ошириш механизмларини белгиловчи нормалар, муддатлар ва масъул ижрочилар мажбурий равишда назарда тутилади;

янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи айнан бир хил юридик кучга эга ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда ёки унга таклиф этиладиган ўзгартишлар киритиш орқали, шу жумладан, уни янги таҳрирда баён этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

4. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда уч ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий судига Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда уларни манфаатдор идоралар билан келишиш тартибини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда илгари фаолият юритган Олий хўжалик суди Пленумининг қарорларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни тизимлаштириш, қонунчиликдаги ўзгаришларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликлар истисно этилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни қайта тасдиқлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 январдан эътиборан қуйидагиларни тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»га обуна бўлиш;

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»ни уларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) ўтказган ҳолда нашр этиш, бундан архивларда, ахборот-ресурс марказларида сақлаш учун, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар талабларига кўра тайёрланадиган нусхалар мустасно.

6. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Комиссия (Н.Исмоилов):

а) Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқишни ва белгиланган тартибда киритишни таъминласин;

б) Концепцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий доиралар ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот конференцияларини ташкил этсин;

в) бир ой муддатда қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагилар асосида қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин:

аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш;

амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустаҳкамлаш талаб этиладиган юқори юридик кучга эга нормаларни белгилаш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш;

умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларининг мавжудлиги;

г) икки ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва «тартибга солиш гильотинаси» усулини қўллаш орқали қолган ҳужжатларни, шу жумладан, қонунчиликни тизимлаштириш доирасида ҳар бир идоранинг ваколатини босқичма-босқич камайтириш ва бекор қилишни назарда тутувчи, улар томонидан қабул қилинаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш бўйича таклиф киритсин.

д) икки ой муддатда қонунчиликни тизимлаштириш жараёнида фойдаланиш мақсадида халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари, кўриб чиқилиши зарур бўлган халқаро шартномалар талаблари ҳамда мажбурий тартибда риоя қилиниши керак бўлган ва ҳуқуқий базадан чиқариб юборилмайдиган талаблар бўйича ягона оммабоп рўйхатнинг шакллантирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар қуйидагиларни таъминласин:

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини ишлаб чиқиш ва синов тариқасида ишга тушириш, бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, маъсул идоралар, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қўйишни амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича идоралараро электрон ҳамкорликни, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш жараёни мониторинг қилинишини таъминлаш;

лойиҳаларни жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш, шу жумладан, фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш имконини яратиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимини, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда модернизация қилиш:

миллий қонунчиликнинг мавзули маълумотномасини такомиллаштириш;

ҳаволалар ёки муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатиб берган ҳаволаки нормаларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни қўшимча ахборот сифатида кўрсатиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, шунингдек, чет эл инвесторлари учун муҳим аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг чет тилларига расмий таржимасини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими» порталининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими таркибий қисми сифатида унга интеграция қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда илмий эксперт доиралари вакиллари, олий ўқув юртлари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорлар томонидан илмий-таҳлилий фаолият асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ўз ичига олган онлайн оммабоп ахборот тизимини яратсин ва уни мунтазам равишда янгилаб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг ўтказилишини таъминласин;

ҳар ойда Комиссияга мониторинг натижалари тўғрисида ахборот киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Амалий чора-тадбирлар режасида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда масъул органлар ва ташкилотларга илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан кўмаклашсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Комиссияга норма ижодкорлиги соҳасида илғор хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, зарур ҳолларда, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакилларини жалб этган ҳолда ўрганишни ташкил этишга кўмаклашсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 8 август*

## ДУНЁ ИЖОДКОРЛАРИ ЕР ЮЗИ САЙҚАЛИДА

**«Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари 8 август куни Самарқанд шаҳрига саёҳат қилди.**

Дунёнинг йигирма беш мамлакатидан келган шоир-ёзувчилар, таниқли адабиётшунос ва тилшунос олимлар, таржимонлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов мақбара-мажмуасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилиниб, буюк давлат ва сиёсат арбоби қабрига гуллар қўйилди.

Меҳмонларга ушбу мажмуанинг яратилиш тарихи, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Анжуман иштирокчилари буюк аллома Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейида бўлиб, қадимий обида ва ашёларни ҳайрат билан томоша қилди.

— Мен туғилишимдан аввал отам Мирзо Улуғбек мажмуасига келган ва «Ўғил фарзанд кўрсам исмини Улуғбек қўяман», деб ният қилган экан, — дейди Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат. — Шу боис менга буюк бобоколонимизнинг исми қўйилган. Эҳтимол, шу сабаб бўлса керак, Самарқандга тез-тез келиб тураман. Бу галги тадбир ҳам Самарқандга келишимга бир сабаб бўлди.

Меҳмонлар Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Амир Темур мақбараси ва Регистон майдонида бўлиб, аждодларимизнинг ноёб ақлу закоси маҳсули бўлган тарихий обидаларнинг бунёд этилиш тарихи, бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

— Деҳлидаги Жамия миллий исломия университетида хатти Бобурийдан ўзбек тилида дарс бераман, — дейди ҳиндистонлик Шоҳид Таслем. — Навоийшунос, бобуршунос олимлар, истеъдодли ижодкорларнинг бу юртда жам бўлиши бежиз эмас. Негаки, ўзбек мумтоз адабиёти жаҳон адабиётини дурдона асарлари билан бойитган. Уларни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида юртингизда жуда



катта илмий-ижодий мактаблар яратилган. Ўзбекистон Президентининг адабиётга, маънавиятга алоҳида эътибор қаратиши ва соҳа вакилларига юксак ғамхўрлик кўрсатиши бу мактабларнинг янада тараққий этишидан далолат беради.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Адабиёт дунёни бало-қазолардан асрайди, халқларни бир-бирини билан бирлаштиради, инсон маънавиятини тозартиради.




# ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

## *Бу халқаро анжуман иштирокчилари томонидан ҳам эътироф этилди*

Пойтахтимизда 7-8 август кунлари ўтказилган «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги халқаро конференция миллатлараро адабий, маданий муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ижодкорларнинг ўзаро фикр алмашиши, ижодий алоқалар ўрнатилишида янги босқични бошлаб берди.

Дунёда анжуманлар кўп. Ҳатто керагидан ҳам ортиқча. Лекин халқаро миқёсда адабиёт аҳлининг бир жойга жамулжам бўлиши, дийдорлашуви камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Тўғриси, турли хил конференция, учрашув ва анжуманларда қатнашавериб, бир хил қолипдаги сценарийларни кўравериб, этимиз қотиб қолган.

Лекин халқаро адабиёт анжуманига келаётган таниқли шоир ва ёзувчилар, ёш ижодкорлар чеҳрасидаги байрамона кайфиятни кўриб, юрак шодланади, кўнгил оролинади. Адиблар хиёбонида барпо этилган Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси ижодкорлар билан гавжум. Шу топда мамлакатимиз Президентининг: «Бугун одамларимизнинг қонини тозалашимиз керак, бу маънавий тозариш жараёнида адабиётнинг ўрни беқиёс», деган гаплари ёдимга тушади.

Анжуман қатнашчилари Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети олдидаги зангор майсалар, анвойи чечакларга бурканган майдонга ўрнатилган буюк мутафаккир бобомизнинг салобатли ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, унинг порлоқ руҳига ҳурмат-эҳтиром бажо келтирдилар.

Шундан сўнг университет анжуманлар залида конференция иштирокчиларига Ўзбекистон адабиёти ва маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи ролик намойиш этилди. Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид йиғилганларни адабиёт байрами билан табриклаб, Олий Мажлис Сенати Раиси Ниғматилла Йўлдошевга сўз берди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дендев Бадарч, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев, Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси Анор, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шуҳрат Сирожиддиновларнинг табрик сўзлари тингланди.

— Бир қанча адабиётшуносларимиз томонидан анча йиллардан буён Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаяпти, — дейди **Украинадаги АДЕФ нашриёт уйи директори Игорь Шпак.** — Адабиёт дунёни бало-қазолардан асрайди, халқларни бирбири билан бирлаштиради, инсон маънавиятини тозартиради. Ана шу маънода кўп йиллар давомида бир-бири билан ижодий ҳамкорлик қилиб келаётган ўзбек ва украин халқи вакиллари учун анжуман жуда катта байрамга айланди. Бу халқаро конференция азалдан давом этиб келаётган алоқаларимизни янада мустаҳкамлайди, деб ўйлайман. Тўйга тўёна сифатида Алишер Навоийнинг аслиятдан таржима қилинган «Фарҳод ва Ширин» достонини уч тилда — эски чиғатой ва ўзбек-украин тилларида чоп қилиб, олиб келдик.

**Японият профессор Ҳисао Коматсу** ўзбек тилида яхшигина гапирар экан. У анжуман таассуротлари ҳақида ўз фикрларини билдирди:

— Мен Токио чет тиллар университетида фаолият кўрсатиш билан бирга, Марказий Осиё тадқиқотлар департаменти таркибида илмий изланишлар олиб бораман, — деди **Ҳисао Коматсу.** — Ўзбекистон номини жумлаи жаҳонга танитган, дунё тамаддунини тафаккур зиёсидан баҳраманд қилган улуғ мутафаккирлар юртида мана шундай анжуман ўтказилишига умид қилиб юргандим. Мана, орзуимга етдим, бундан жуда хурсандман. Эски дўстларни, қадрдонларни учратдим. Анжуманда «Ўзбек жадид адабиётида саёҳатнома» мавзуида маъруза қилдим. Мавзу кўпчиликда қизиқиш уйғотди. XX аср бошларида ёзилган бир қатор саёҳатномаларни япон тилига таржима қилганман.

Татар жадидларидан Абдулазиз Иброҳим афанди 1907-1908 йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон шаҳарларида бўлиб, ўзбек зиёлилари билан мулоқотда бўлади, Туркистон ўлкасининг сиёсий-ижтимоий муҳити билан танишиб, кўрган-кечирганлари асосида «Саёҳатнома» асарини ёзган. Япон халқининг ўзбек халқи тарихи, адабиёти, урф-одатлари ва турмуш тарзига қизиқишидан келиб чиқиб, ана шу асарни япон тилига таржима қилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилдим.

Куннинг иккинчи ярмида адабиётшунос олимлар тўртта шўъбага бўлинган ҳолда иш олиб бордилар. «Алишер Навоийнинг форсий тилдаги луғатлари», «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарининг хорижда ўрганиш ва тарғиб этиш масалалари», «Ўзбек замонавий адабиёти намуналарининг хорижда ўрганиш ва тарғиб этиш масалалари», «Ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва таржима асарларни тарғиб қилиш масалалари», «Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарининг халқаро миқёсда ўрганилиши», «Бадиий таржима соҳаси мутахассислари тайёрлашдаги халқаро илғор тажрибалар», «Ўзбек замонавий адабиётининг халқаро миқёсда ўрганилиши» сингари бир қатор мавзуларда маърузалар тингланди, ўзаро фикр ва тажриба алмашинилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, конференцияда 25 давлатдан ўзбек адабиётини яхши биладиган қирққа яқин таниқли олим ва адиблар, таржимонлар, ўзбек адабиёти намуналарини чоп қилган ноширлар ўз маърузалари билан қатнашди.

— Мен 2009-2011 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтида талабаларга туркий тиллар адабиёти фанидан дарс берганман, — деди **Анқарадаги Ҳожи Байрам Вели университети профессори, Замонавий турк тиллари ва адабиётлари бўлими профессори, филология фанлари доктори Вели Саваш Йелок.** — Кўп йиллардан буён ўзбекистонлик ижодкорлар билан ҳамкорлик қилиб келаман. 20 нафар турк ёзувчисининг ҳикояларини ўзбек тилига ўгирдим. Абдуҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари улуғ сўз усталарининг, асарларини турк тилига таржима қилдим.

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодида тил ва услуб мавзусида докторлик диссертациясини ёқладим. Унинг кўплаб шеър ва ғазалларини таржима қилганман. Ҳаммасини жамлаб, 760 бетлик китоб тайёрладим ва турк тилида чоп қилдирдим. Лекин устоз бу китобни кўрмай кетди, вафотларидан 2 ой ўтиб, уни оилаларига етказдим, жуда хурсанд бўлишди.

— Ёзувчилар уюшмаси учун қурилган шарқона ва замонавий услубларни уйғунлаштирган муҳташам бинони кўриб, тўғриси, ҳайратга тушдим, — дейди **германиялик тадқиқотчи олим Карл Райхл.** — Жуда кўп мамлакатларда бўлганман, Европани кезиб чиққанман, лекин ижодкорларга Ўзбекистондагидай шароит яратиб берилганини кўрмаганман.

Адиблар хиёбонида ўзбек адабиётининг буюк намояндаларига бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик мажмуаларини, вилоятларда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф ва бошқа ижодкорлар хотирасига ўрнатилган ҳайкалларни зиёрат қилиб, бу халқнинг ўз аждодларига нақадар беқиёс эҳтиромини юрак-юракдан ҳис қилдим. Демак, бу заминда минг йиллик анъаналар давом этаяпти ва бу — асрларга татигулик эзгуликнинг давомийлигидир.

Мен ўзбек халқ эртак ва афсоналари, достонлари, халқ оғзаки ижоди билан қизиқаман ва бу борада анча йилдан буён илмий-тадқиқот ишлари олиб бораяпман. Бир қатор достонларни немис тилига таржима қилганман. Ўзбек тилини яхши ўзлаштирганим учун ҳар бир сўз ва қочирим, маълум бир халққагина хос бўлган ибораларнинг маъносини немис китобхонига етказишга ҳаракат қилганман. Анжуманда «Қаҳрамоннинг қайтиши: Алпомиш, Арасту ва халқ достонлари» мавзуида маъруза қилдим.

— Мен Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган адабиёт байрамига таклиф этилганимдан хурсандман, — деди **«Литературная газета»нинг «Песнь Хумо» лойиҳаси муаллифи Алексей Шавлов.** — Бугунги анжуман адабиёт келажагини, демакки, миллат, халқ келажагини ўйлаб ташкил этилганини унинг мазмун-моҳияти кўрсатиб турибди. Алоҳида олинган бир мамлакатда дунё ҳамжамиятидан ажралган ҳолда бирор-бир оламшумул ютуққа эришиб бўлмаслигини ўтган давр сабоқларидан яхши биламиз. Адабиёт қачонки дунёга бўй кўрсатса, унинг ютуқ ва камчиликлари холис баҳоланса ёки эътироф этилса, ана шунда ўсиш бўлади.

Ўзбекистонлик ижодкорлар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланаяпти, уларнинг асарларини рус тилига таржима қилиб, газетамиз саҳифаларида беришдан ташқари, китоб ҳолида чоп этишга тавсия қилаяпмиз. Ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилар томонидан рус адиблари асарлари мунтазам равишда таржима қилиниб келинаётгани, ўйлайманки, бу борадаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида адабиётимизни халқаро миқёсда тарғиб этиш мақсадида миллий адабиётимизнинг сара намуналарини танлаб таржима қилиш, унга хорижлик олим ва таржимонларни жалб қилиш масаласи ҳам қўйилган эди. Анжуман якунида ана шу масала юзасидан ижодий мулоқот ташкил этилди. Ўзбек адибларининг асарларини таржима ва нашр қилиш бўйича Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмалари раислари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Анжуманнинг иккинчи куни меҳмонлар дунё маданият ва маънавият марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрида бўлиб, имом Бухорий, Соҳибқирон Амир Темур, Ҳазрати Хизр мақбаралари, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилишди. Регистон майдони, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда ансамбли ва Имом Мотуридий мақбараси сингари тарихий масканларда бўлишди.

Икки кун мобайнида давом этган ушбу халқаро анжуман мамлакатимиз ўтмиш тарихи, қадим маданияти, маънавиятини, ижодкорларимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларини, амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшлар ташаббускорлигини ўзида мужассам қилган энг сара ва юксак савияли асарларини дунё миқёсида намоён этишга хизмат қилади.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




Тарих ўтмишда солинган изларни ҳеч қачон унутмайди, у ҳеч қачон вақтни сокингина қўриқлаб ўтирмайди. Тарих ҳамиша очиқ ва ойдин, ўтган даврлар ҳақида ҳикоя қилиш учунгина эмас, балки қандай ўй ва фикрлар ҳамда тасаввурлар билан эртанги кунни қуришни ўргатиш учун ҳам доимо ўзидан хотиралар қолдиради. Ортга, ўн йилликлар нарига назар солиб, Ўзбекистон ва Беларусни боғлаган кўплаб ришталар бўлганлигини кўриб, одам беихтиёр ҳайратга тушади. Бизнинг миллий адабиётларимизни боғлаб турадиган, уларни бирлаштирадиган кўп жиҳатлар бор.

# БЕЛАРУСЬ ҚАЛБИ ЎЗБЕК СЎЗИ УЧУН ОЧИҚДИР



*Александр КАРЛЮКЕВИЧ, Беларусь Республикаси ахборот министри:*

— Бир нечта лавҳаларда ўзбек-беларусь адабий алоқалари қиёфасини чизиб беришга ҳаракат қиламан.

1930 йиллардаёқ ўзбек китобхонига беларусь халқ ўланчиси Янка Купаланинг номи маълум эди. 1932 йилда Ўзбекистонда меҳмон бўлган ёзувчилар Петро Глебка, Илларион Барашка, Микола Хведорович ўзбекистонликларга Янка Купала ижоди ҳақида сўзлаб беришди. 1942 йилда ўзбек матбуотида унинг асарларидан қилинган дастлабки таржималар босилди. «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») газетаси Янка Купаланинг «Беларусь партизанларига» номли машҳур шеърини чоп этди. 1942 йил 7 июлда Янка Купала вафот этгандан кейин Беларусь Фанлар академияси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бевосита иштирокида Беларусь халқ ўланчисининг ижодига бағишланган илмий анжуман ташкил қилди. 1943 йил 27 июнда Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетида (ЎзМУ) Янка Купала шарафига ўтказилган илмий конференцияда беларусь ва ўзбек адабиётшуноси, шоир ва таржимон Степан Лиходиевский маъруза қилди. Қайд этиш керакки, Степан Лиходиевский кўп йиллар Тошкентда яшаб, ўзбек адабиётини рус ва беларусь тилларига таржима қилиш борасида катта ишлар қилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент Якуб Колас учун қадрдон шаҳарга айланди. Уруш йилларида Ўзбекистон пойтахтида унинг китоблари босилди.

Тарихга назар ташлаб, 1932 йилда беларусь ёзувчиларининг Тошкентга сафари беларусь адабиётида Ўзбекистон ва ўзбек адабиёти мавзуси туғилишига асос бўлганини таъкидлагим келади. Ўшанда беларуслик ижодкорлар Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қўқон шаҳарларига сафар қилишган. Микола Хведоровичнинг сафар таассуротларига бағишланган «Ўзбекистонга» номли шеърида ўзбек деҳқонлари, пахтакорларининг меҳнатига тасаннолар айтилган.

1930 йилларда Ўзбекистонда беларусь адабиёти кечалари ўтказилган. Бунда қатнашган беларусь шоири Андрей Александрович кейинчалик шундай деб ёзганди: «Биз ўз асарларимиз қаторида қардош халқлар шеъриятидан қилган таржималаримизни ўқидик. Бу учрашувлар ўзаро ижодий муносабатлар ўрнатилишига кўмак берди, қардошлик туйғулари ва халқлар дўстлигини ривожлантирди».

Тез орада ўзбек шоири Уйғун 1936 йилда Минскда меҳмон бўлиб келди. Орадан йиллар ўтиб, Уйғун: «Мен ўттиз йиллар аввал танишган эдим. Ўшанда мен Минскда ёзувчи ва шоирларнинг катта йиғинида қатнашгандим. Лекин Якуб Коласнинг ижодини бундан ҳам аввалроқ билардим. Мен қатор жаҳон шоирлари ижоди қатори Якуб Колас ижодидан ҳам ўрганганман».

Якуб Колас ва Тошкент бу алоҳида мавзу. Агар шоирнинг Тошкентдаги ҳаёти ҳақида йўл кўрсаткич яратилса, ундан кўплаб газета, журнал ва нашриётларнинг номлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, шоир яшаган уй, уруш пайтида дўстлашган ўзбек шоир ва ёзувчиларининг исм-шарифлари ёзилган жуда кўп саҳифалар ўрин олади. Якуб Колас Тошкент, Ўзбекистонга кўплаб шеърлар бағишлагани бежиз эмас.

Беларусь ёзувчилари, таржимонлари ҳам ўзбек адабиётини фаол равишда ўзлаштириб, Шарқ ўлкасининг бой тарихи ва бугунги кунини акс эттирувчи асарларни беларусь ўқувчисига етказишга ҳаракат қилдилар. 1946 йилда «Чырвоная змена» газетасида Ойбекнинг «Навоий» романи ҳақида мақола босилди. 1948 йил 15 майда Беларуснинг бирйўла иккита етакчи газетаси «Звяздза» ва «Советская Белоруссия»да Ойбекнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалари чоп этилди.

1966 йилда таниқли беларусь ёзувчиси Алексей Кулаковский «Ўзбек ҳикоялари» номли тўплам тузди. Шу йили ўзбек шоирлари шеърларидан тузилган «Солнце в арыках» номли тўплам беларусь тилида чоп этилди. Бу иккала китобнинг сўзбоши муаллифи — профессор Лазиз Қаюмов эди. 1959 ҳамда 1966 йилларда Минскда ўзбек эртаклари тўплами нашр этилди. 1967 йилда Минскда Зулфиянинг «Лирика» номли шеърий тўплами Эди Огнецвет кириш сўзи билан нашр қилинди. Айтиш керакки, Эди Огнецвет Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентда яшаган. Унинг бир қанча шеърий тўпламлари Тошкентда босилган.

Зулфия беларусь адабиёти тарғиботи учун кўп ишларни амалга оширган. У Янка Купала, Эди Огнецвет, Максим Танк шеърларини ўзбек тилига ўгирди, Янка Купала ижоди ҳақида қатор мақолалар ёзди. 1981 йилда «Гулистон» журналида Янка Купаланинг машҳур «Ким келяпти?» шеъри ўзбек тилида чоп этилди. Бу таржима Минскда ҳам уч марта, жумладан, 2017 йилда Янка Купала шеърларининг 1001 тилга қилинган таржимаси жамланган китобда босилиб чиқди. Ўзбек таржимонларининг бу каби ибратли ишлари талайгина. Масалан, Владимир Корбан масаллари, Кастуся Киреенко, Владимир Короткевич, Ригор Бородулин, Павел Ковалёв шеърлари ўзбек тилида жаранглаган.

1985 йилда Зулфиянинг беларусь тилида нашр этилган шеърий тўплами «Менинг юрагим шундай» деб аталади. Беларусларнинг ҳам худди ўзбеклар каби диллари, юраклари дўстлар учун очиқдир. Бугун ўртадаги масофаларга қарамай, ўзбек-беларусь адабий алоқаларини янада ривожлантиришга барча имкониятлар мавжуд.

O'ZBEKISTON OVOZI
• 2018-yil, 9-avgust. Payshanba
• 77 (32.445)-son



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# САРҲИСОБ, РЕЖАЛАР, ТАКЛИФЛАР

## Олий Мажлис Сенати қўмиталари ўтган 6 ой якунлари ҳисоботи ва келгусидаги ишлар ҳақида матбуот анжумани ўтказмоқда

Сенатда кўриб чиқиш учун халқаро шартномаларни ратификация қилиш билан боғлиқ 9 қонун, Республикамизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларни лавозимга тайинлаш юзасидан 23 масала, Сенатнинг халқаро фаолиятини ривожлантириш соҳасида хорижий ҳамкорлар билан 50 дан ортиқ учрашув...

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Курманов шу ва бошқа масалалар бўйича ҳисобот берди.

Қайд этилдики, Қўмита ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юкланган вазифалар ижроси юзасидан ташқи ишлар вазирининг ахборотини эшитди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти мониторинги доимий олиб борилмоқда. Хусусан, соҳани ривожлантириш, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини дунёга кенг тарғиб қилиш, сайёҳлар учун қулай шароитлар яратиш, туристларни жалб этиш имкониятини кескин оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан хулосалар ишлаб чиқилди.



Шунингдек, юртимизда инвестиция муҳитини такомиллаштириш бўйича ахборот-таҳлилий материаллар тайёрланиб, тегишли давлат органларига юборилмоқда. Сенат томонидан жаҳоннинг йирик банклари ҳамда молиявий институтлари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар натижасида инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратишга, мамлакатимизда инвестициявий фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган таклифлар тайёрланди.

Анжуманда ҳар бир йўналиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси режалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидландики, шу йилнинг сентябрь ойида Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга ташрифи кутилмоқда. Бу борада Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ташриф доирасида юртимизда «Ўзбекистон-Беларусь минтақалари форуми» ўтказилади. Мазкур форум давлатлараро парламентнинг келишуви асосида амалга оширилмоқда. Унда минтақа ҳаётига оид иқтисодий-ижтимоий масалалар кўриб чиқилади. Форумни ташкил этиш ишлари парламент назоратига олинган.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари учун ягона «Silk road visa»сини жорий этиш бўйича иш олиб борилаётгани қайд этилди. Мазкур ташаббус Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида муҳокама қилинмоқда. Қўшни Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари ҳам бунга катта қизиқиш билдирган. Яқин келажакда улар билан ҳам музокаралар олиб бориш режалаштирилган. Бунга қадар эса, ички ташкилот ва идоралар ўртасидаги келишувлар якунланиши, йўл харитасига эга бўлиш талаб этилади. Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий шаҳарлар билан яқиндан танишиш имкони туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

**Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси** сарҳисобида эса «Ўрмон тўғрисида»ги ва «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонунлар кўриб чиқилгани таъкидланди. «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун ижросини ўрганиш давомида **ветеринария соҳасида 1300 дан зиёд олий маълумотли кадрга эҳтиёж мавжудлиги, республикада чорвачиликка ихтисослашган беш мингдан ортиқ фермер хўжалигида ва икки мингга яқин паррандачилик хўжалигида ветеринария врачи штат бирлиги жорий этилмагани аниқланган.** Уруғ етиштириш, деҳқон-фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва яна қатор масалаларда ҳуқуқий асосни такомиллаштириш борасида ҳам чора-тадбирлар тизимли йўлга қўйилган.

Ўтган даврда жойларда деҳқонлар билан фаол иш олиб борилди. Хусусан, ҳосилдорликни ошириш ва аҳолининг томорқа ерлардан фойдаланиши ўрганилди. Март ойида Қашқадарё вилоятига сафар вақтида вилоятда ташкил этилган ишчи гуруҳлар билан биргаликда 2064 фермер хўжалигига ажратилган далаларда кузги бошоқли экинлар етиштириш, 65000га яқин аҳолининг томорқа еридан фойдаланиш ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинди. Улардан 899 ҳолатда самарасиз фойдаланилаётгани аниқланди. Бу масалалар юзасидан фермерлар ва аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди, муаммоларни ечишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Сув таъминоти оғир бўлган Шовот, Янгиариқ, Қўшкўпир ва Хива туманларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи атрофлича ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар қўлланилди.

Матбуот анжуманида журналистлар Сенат аъзоларига турли саволлар билан мурожаат қилишди. Озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масала қизғин баҳс-мунозарага айланди.

Бозор иқтисодиёти шароитида етиштирилаётган ҳар қандай маҳсулотга охирги нархни истеъмолчи белгилайди. Бу эса асосий эътибор ҳажмга эмас, сифатга қаратилиши зарурлигини билдиради. Деҳқон ва фермер экспортёрлар кўргазмаларда мунтазам иштирок этса, маҳсулотларни халқаро талаб даражасида қадоқлаш, сотувга тайёрлаш, уни қутиларга жойлашни ўрганса, экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларнинг нархи ошади, деди анжуманда иштирок этган мутахассислар.

Бундан ташқари, экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун мажбурий талаблар эскирган усул экани қайд этилди. Юртимизда 20 миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда мамлакатимизда мавжуд совитгичлар 600 минг тонна сиғимга эга яъни, умумий маҳсулотларнинг 3 фоизини узоқ муддат сақлаш имкониятига эга. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 40-60, ривожланаётган давлатларда эса 8-12 фоизни ташкил этади. Етиштирилаётган маҳсулотларни сифатли сақлаш, деҳқон-фермерлар даромадини ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда 450 минг тонна сиғимга эга совитгичларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу эса қарийб 2 миллион тонна маҳсулот экспортини йўлга қўйиш имконини беради.

**Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси** ҳам матбуот анжумани ўтказди. Унда жорий йил биринчи ярим йиллигидаги фаолият якунлари ва келгуси 6 ойга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Журналистлар қўмита ҳамда улар билан доимий иш олиб борувчи ташкилотлар вакиллари ва мутхассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари келишиб олинди.

**Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия** ўтказган анжуманда сарҳисоб, режалар ҳамда таклифлар қизғин муҳокама этилди. Жойлардаги муаммолар, аҳолини ўйлантираётган масалалар бўйича ОАВ вакиллари саволларига комиссия аъзолари батафсил жавоб берди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎЗ ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

**Бундан саккиз ой муқаддам Наманган шаҳридаги Саховат кексалар уйида истиқомат қилувчилардан партия вилоят кенгашининг Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат келиб тушганди.**

# САХОВАТ УЙИ НАМАНГАНДА ҚОЛДИ...

Мурожаатда мазкур муассасани Фарғона шаҳридаги кексалар уйи билан бирлаштириб юбориш, Саховат уйида истиқомат қилаётган 24 нафар кексани Фарғонага кўчириш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигидан кўрсатма келгани ва бундан улар норозилигини билдиришганди.

Шу ўринда мурожаат хатини келтириб ўтишни жоиз, деб топдик.

**«...Биз, тегишли ҳужжатлар асосида ушбу даргоҳда яшаб келмоқдамиз. Ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари ўзимиз униб–ўсган маҳалламизга, ишлаган меҳнат жамоамизга бориб, қадрдонларимиз билан кўришиб, суҳбатлашамиз. Ота-оналаримиз ва бошқа яқинларимизнинг қабрларини зиёрат қиламиз. Шу билан ўксик кўнгилларимиз ҳаловат топиб, руҳимиз енгилларди. Фарғонага кўчиш бизни шу имкониятлардан маҳрум қилади.**

**Илтимос, бизни Наманган шаҳридаги Саховат уйида умргузаронлик қилиб, ҳаётимизнинг қолган қисмини ҳам шу ерда ўтишини таъминлашга амалий ёрдам берсангиз!..»**

**Партия вилоят кенгаши ва депутатлар илтимосига кўра, кенгаш мафкура бўлими мудири Мўътабар Қозиева билан биргаликда ушбу мурожаатни жойида ўргандик.**

Отахон ва онахонларнинг истак ва талаблари, уларга хизмат кўрсатаётган ишчи мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. Шундан сўнг «Қулайлик кимга, ноқулайлик-чи?» сарлавҳали мақола тайёрлагандик.

Мақола газетада эълон қилинмади. Аммо партия Марказий Кенгаши, депутатлар ва вилоят ҳокими аралашуви билан Саховат уйи ўз ўрнида қолдирилди ва унда истиқомат қилувчилар талаби қондирилди.

Яқинда партия вилоят кенгаши ва депутатлар гуруҳи ташаббуси билан мазкур муассасада «Сиз ҳамиша эътиборимиздасиз» лойиҳаси асосида йўқлов тадбири ўтказилди.

Айни вақтда 14 нафар қаровга муҳтож нуронийлар истиқомат қилаётган муассасада шифокор Ҳамидулло Турсунов раҳбарлигида мутахассис ходимлар фаолият юритади.

Партия вилоят кенгаши раиси Равшан Абдуллаев «Сиз ҳамиша эътиборимиздасиз» лойиҳасининг мақсад-вазифаларига тўхталди.

— Нуронийларимиз фонддаги китобларни икки мартадан ҳам ўқиб чиқишган. Янги бадиий асарларга эҳтиёжимиз бор эди. «Наманган» нашриёти директори, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гулчеҳра Зокирова тақдим этган китоблар айни муддао бўлди, — дейди **муассаса ахборот ресурс маркази раҳбари Азиза Исматуллаева**. — Ўттиз номдаги китобларни фондимизга қабул қилиб олдик. Кексаларимиз янги китобларни ҳозирданоқ ўқишни бошлашди. Тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдирамиз.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

# ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНАДИ

## I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар 5 йил олдин пенсияга чиқиши мумкин

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» қонунига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.**

**Лойиҳада ҳукумат тасдиқлайдиган рўйхатга мувофиқ алоҳида тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга (эркакларнинг иш стажи камида 25 йил, аёлларники 20 йил бўлган тақдирда) умумий белгиланган пенсия ёшини 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, пенсионер бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортиқча тўланган суммаларни ундириш тўғрисидаги қароридан норози бўлганда, аниқланган қарздорликни суд тартибида ундириш бўйича қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.**



*Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:*

— Қонун лойиҳаси мазмунан электоратимиз вакиллари манфаатларига алоқадор бўлгани учун биринчи ўқишда ўз таклифларимизни билдирган эдик. Чунки пенсияга доир белгиланаётган имтиёзлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтиради.

Лойиҳада алоҳида тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзли пенсиялар тайинлаш назарда тутилмоқда. Пенсиялар тўғри тайинлангани ва тўланиши борасида ўтказилаётган текширишлар натижасига кўра, аниқланган ортиқча тўловларни пенсиялардан ушлаб қолиш тартибини янада такомиллаштириш масалалари ҳам қамраб олинган. Қонун лойиҳасида илгари сурилаётган таклифлар ва киритилаётган меъёрлар партия электорати манфаатларига мос келади. Шундан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари уни қўллаб-қувватлайди.

*Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар диққат марказида бўлди. Таъкидландики, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар давлат божи миқдорини мақбуллаштириш ва суд харажатларини суд жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлаш масалаларини ҳам қамраб олган. Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси эса соҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.*



*Саҳобиддин АРЗИҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:*

— Солиқ кодексининг амалдаги таҳририда фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар учун бож ундириш объектини белгилашда турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича суднинг қарори устидан назорат тартибида шикоят қилинганда бож тўланса, айни шу жараёнда иқтисодий судга бўлган мурожаат учун бож тўланмайди. Шунга ўхшаш фарқли ҳолатлар ҳакамлик суди билан боғлиқ жараёнларда ҳам мавжуд. Ўзаро номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида Солиқ кодексининг бир нечта моддаларига ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинмоқда.

Яъни, айрим шахсларга берилаётган имтиёзларни бекор қилувчи ўзгартиришларни киритишда нотариусларнинг ижро ёзувларидан фойдаланиш амалиётини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бу ўринда фақат бюджетдан молиялаштириладиган, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд шахсларга белгиланадиган имтиёзлар сақланиб қолиниши тарафдоримиз.

Лойиҳа бўйича ўз таклифларимизни билдирдик. Ўйлаймизки, иккинчи ўқишга қадар бизни қизиқтирган масалалар ҳам қамраб олинади. Фракциямиз фикрича, имтиёзлар берилиши ва бож тўлаш мажбуриятларида шаффофлик бўлиши керак. Муҳими, давлат божини ундиришда адолат тамойили таъминланиши зарур.

*Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Президент фармонига мувофиқ, 2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айрим турлари бекор қилинган эди. Эндиликда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган корхоналар учун божхона ҳудудида товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш, ушбу жараёнда товарларни қайта ишлашнинг мамлакатимиз иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беришни назарда тутувчи меъёрлар олиб ташланмоқда.*

*Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда давлат органлари томонидан асоссиз маъмурий назоратни бекор қилиш кўзда тутилмоқда. Фракция аъзолари мазкур лойиҳани биринчи ўқишда қўллаб-қувватлади.*

*Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги ва яна бир қатор қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.*

*Ҳар бир масала юзасидан Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз позициясини белгилаб олди.*



**Зилола АНВАРОВА**

# ТАНҚИДГА ЖАВОБ КЕЛДИ


ЛИПИЛЛАБ ТУРГАН ЧИРОҚЛАР

Газетамизнинг 2018 йил 17 июль сонида З.Убайдуллаеванинг **«Липиллаб турган чироқлар энди соатлаб ўча бошлади. Муаммога ечим топиш кимнинг вазифаси?»** номли танқидий мақоласи чоп этилган эди. Кеча Ўзбекэнерго АЖ «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти электр энергиясини сотиш бўйича директор Д.Д.Имомов имзоси билан жавоб хати ҳамда унга илова этилган маълумотларни олдик. Маълум бўлишича, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 11-, 12-уйлар аҳолиси томонидан қилинган мурожаатда кўрсатилган электр чироқлари липиллаб ёниши ва ўчиши сабаблари аниқланган. Яъни, ХУЖМШга қарашли бўлган чиқиш 0,4 кв. тақсимлагичда сақлагичлар ўрнига қўлбола симлар мавжуд. Уйларнинг юкламалари фазалараро тенг тақсимланмаган.

Бу эса электр таъминотига қарашли кабель тармоғи шикастланишига сабаб бўлган. Ҳозирда шикастланган кабель туман электр тармоқлари корхонаси билан биргаликда бартараф этилди.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида ХУЖМШ томонидан сақлагичларни ўрнатиш ва юкламани тенг тақсимлаш, профилактик тадбирларни ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда кучланиш миқдори нормал ҳолатда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ва Муборак туман кенгашлари партия фаоли, Ўзбекистон Қаҳрамони

**Қобил МЎМИНОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси «Қурилиш материал Лити» МЧЖ Топография, геология тадқиқотлари ва техник кўрикдан ўтказиш бўлими бошлиғи, партия фаоли

**Анвар БОЙҚУЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҚУРУВЧИЛАР!

РЕКЛАМА

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

*юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган қурувчилар меъмор ва муҳандислар, ишчи-ходимларни*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**







*Азиз ҳамкасблар, сизнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли республикамиз ҳудудларида янги-янги уй-жойлар, йирик саноат корхоналари, ижтимоий ва маданий соҳа объектлари, йўллар, кўприклар ва бошқа кўплаб иншоотлар барпо этилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин чирой очяпти. Ана шу бунёдкорлик ишлари туфайли жонажон Ватанимиз янада гўзал ва обод бўлмоқда.*

*Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган барча эзгу ва шарафли ишларингизга омад ёр бўлсин!*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизга, шахсий ҳаётингизга ютуқ ва омадлар, оилаларингизга бахт-саодат, файзу барака тилаймиз.*

**МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ МЕҲНАТИНГИЗНИНГ РОҲАТИНИ КЎРИНГ, АЗИЗ ДЎСТЛАР!**

РЕКЛАМА ЎРНИДА



# ЭКСПОРТ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

**«Ўзмиллийбанк» ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Қозоғистон Республикасидаги ваколатхонаси рўйхатдан ўтди.**

Жамғарма ижрочи директори Миразиз Исаковнинг таъкидлашича, мазкур ваколатхонанинг асосий вазифаси қўшни давлат бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий ҳамкорларни топиш, мамлакатимиз брендлари рекламасини таъминлаш, шунингдек, кўргазма, ярмарка ва бошқа тадбирларда ўзбекистонлик тадбиркорларнинг иштирокини ташкиллаштиришдан иборатдир.

Шунингдек, қозоғистонлик ҳамкорларнинг Ўзбекистонга ташрифини уюштириш, юртимиз тадбиркорлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда амалий кўмак кўрсатилади. Ана шу мақсадда ваколатхона хорижий ишбилармонларнинг юртимизда бизнес юритиши учун яратилган шароитлар ҳақидаги маълумотлар билан кенгроқ таништириб бориш орқали уларнинг Ўзбекистонга сармоя киритишга жалб қилишда фаол иштирок этади.

Дарвоқе, жамғарма ваколатхонаси ташаббуси билан Остона шаҳрида «Ўзбекистон» савдо мажмуасини ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Қозоғистонлик ҳамкорлар билан ушбу савдо мажмуасида ўзбекистонлик экспортчилар учун барча шарт-шароитлар яратилади. Мажмуанинг биринчи қаватида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат савдоси йўлга қўйилади. Юқори қаватларда эса мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик, мебель ва бошқа саноат маҳсулотлари ўрин олади. Бу мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш билан биргаликда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


# ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:**



- **Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.**
- **Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.**
- **Ямобуры.**
- **Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.**
- **Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.**

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

**Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.**
**Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.**
**Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.**
**E-mail: cst2008@mail.ru**
**Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz**

**Товары сертифицированы.**



**O'ZBEKISTON OVOZI**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV *(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)*
Tat'yana KISTANOVA *(Bosh muharrir o'rinbosari)*

**Qabulxona** — 233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — 233-12-56
**Reklama va e`lonlar uchun** — 233-38-55, 233-47-80.
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838. 6754 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.

O`zA yakuni — 23:20.
Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Toshtemir XUDOYQULOV**
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Zafar BAKIROV**
**Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5